

# НИШОШ

Mart				
D	4	11	18	25
S	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Y	3	10	17	24
2002				

27-mart,  
chorshanba  
# 14  
(225)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2002 йил 1 апрелдан бошлаб мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг иш ҳақини товарлар билан натура шаклида тўлаши таъминлансин, қишлоқ ҳўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ётиштирилган ва қайта ишланган, ходимларнинг ёзма аризасига кўра шартномавий нархларда бериладиган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари бундан мустасно.

2. Тижорат банклари:

тегишли кафолат билан, шу жумладан юқори ликвидли мол-мулк гарови асосида (шу жумладан корхоналар ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш ва инфратузилма объектлари, транспорт воситалари ҳамда бошқа ликвидли активлари) иш ҳақи тўлаш учун ҳўжалик юритувчи субъектларга кредитлар берсинлар. Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган кредитлар ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулк, қарз олувчининг розилигидан қатъи назар, кейинчалик белгиланган тартибда уни сотиш ҳуқуқи билан тижорат банкнинг мулкига ўтади; тегишли равишда банкоматлар тармоғини кўпайтирган ҳолда электрон пластик картчалар воситасида иш ҳақи тўлашга доир банк хизматлари ҳажмини кенгайтирсинлар.

3. Белгилансинки, вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавоб берадилар.

Ҳўжалик бирлашмалари, мулкчилик шаклларида қатъи назар ҳўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари:

меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткаларининг рағбатлантирувчи ролини оширишни, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф сеткаларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсинлар;

ҳар бир ходимни тегишли даврда унга тўланадиган иш ҳақининг таркибий қисмлари, ушлаб қолинган пул миқдорлари ва унинг асослари, шунингдек тўланадиган умумий пул суммаси тўғрисида мажбурий тартибда ёзма шаклда хабардор қилсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назоратни кўчатириш ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жазолашга жавобгарликка тортсин.

5. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига, касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлаш тартибига солишда ва у ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа норматив ҳужжатларининг ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш тавсия этилсин, чора-тадбирларда иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш бевузиларнинг моддий жавобгарлиги чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги, шунингдек иш ҳақи ўз вақтида тўланиши таъминланмаганлиги ёхуд иш ҳақи таъминланган шаклда тўланганлиги учун вазирликлар, идоралар, ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тижорат банклари раҳбарларининг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини кўчатиришни назарда тутувчи тақлифларни киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**  
Тошкент шаҳри,  
2002 йил 19 март.

**И.КАРИМОВ**



Қарияларимиз — қадриятларимиз

● ТАҲЛИЛ

## БОШ ВАЗИФАМИЗ — ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Маълумки, янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга биноан барча прокурорлар ҳар йили халқ депутатлари Кенгашларига тегишли ҳудудларда қонунийлик ва жиноятчилик ҳолатлари юзасидан ахборот беришлари лозим. Ушбу қонун талабига мувофиқ яқинда халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашида вилоят прокурорининг ўтган йилда амалга оширган ишлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Маърузада таъкидланганидек, фаолиятимиз асосан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилишга, вилоятда ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга қаратилди.

2001 йилда вилоят прокуратура органлари томонидан барча йўналишларда қонунлар ижросини таъминлаш борасида 658 та текшириш ўтказилиб, 8 миңдан ортиқ тегишли чоралар қўлланилди. Етказилган 366 млн. сўмлик зарарни ундириш юзасидан судларга бир ярим миңдан ортиқ даъво аризалари киритилиб, қонунбузилишларга йўл қўйган миңга яқин мансабдор шахслар интизомий, икки миңга яқини эса маъмурий жазога тортилиб, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича 170 та жиноят ишлари кўзғатилди.

Маълумки, вилоятимиз иқтисодиёти асосан аграр соҳадан иборат. Сир эмас, икки йилдан буён рўй бераётган сув танқислиги қишлоқ ҳўжалигига ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Натижада пахтачилик ва шолчиликда давлат бююртмалари бажарилмади. Ем-хашак етарлича жамғарилмаганлиги оқибатида чорва молларининг бош сони ва маҳсулдорлиги камайди.

(Давоми 4-бетда)

## АНОНС

**МУҲИШ САФАР**  
БУ САФАРНИНГ ИНТИХОСИ ФОЖИЛИДИР

Бугунги кунда гиёҳванд моддалар бутун инсониятга катта хавф туғдирмоқда, давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатига, уларнинг иқтисодий мустақиллигига, барқарорлигига таҳлика солмоқда.

**5 - саҳифа**

**БИРОДАРКУШАЛИК ФОЖИАСИ**

... Қора курси. Унда ўтирган ўспириннинг боши эгик, кўзлари нам, хаёли тўзиқ, Аҳён-аҳён атрофига боқади, лекин ҳеч кимни... Залда ўтирган отаси-ю, ака-укаларини ҳам кўрмайди.

**6 - саҳифа**

## Чоршанбадан Чоршанбагача

21 март

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз тантаналарига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Президент Ислам Каримов иштирок этди ва бутун Ўзбекистон халқини энг кўхна ва қадимий байрам билан табриқлади. Ушбу кун байрам тантаналари мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ, овулларидида қизгин нишонланди.

22 март

Тошкентда консерваториянинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу санъат қошонасининг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

25 март

Президент Ислам Каримов Оксаройда АҚШ Сенатининг разведка бўйича кўмитаси раиси ўринбосари Ричард Шэлби раҳбарлигидаги конгресс делегацияси аъзоларини қабул қилди. Сўхбат давомида минтақавий хавфсизлик, аксил-террор операциясининг бориши, Афғонистондаги вазият, трансмиллий таҳдидларга қарши туришда икки томонлама ҳамкорликка оид ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.







● ИЛЛАТ

Бугунги кунда гиёҳванд моддалар бутун инсониятга катта хавф туғдирмоқда, давлатларнинг ички ва ташқи сийёсати, уларнинг иқтисодий мустақиллиги, барқарорлигига таҳлика солмоқда. Мазкур муаммо кейинги пайтда дунёда гиёҳванд моддаларни истеъмол қилаётганларнинг ёши анча «ёшариб» бораётганлиги туфайли ҳам долзарблиги билан ажралиб туради. Гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфи шундан иборатки, у инсон соғлигига катта зарар етказиши, шахснинг ақли ва маънавий бузилишига, ижтимоий фаоллигининг камайишига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, гиёҳвандлик бу жиноят, яъни бутун инсониятга, унинг соғлиғига қарши қаратилган жиноятдир.



БУ САФАРНИНГ ИНТИҲОСИ ФОЖИАЛИДИР

Гиёҳвандлик аср вабоси. Маккор, кўрқинчи ёв. Бир тўда гиёҳфурушлар бу балони бутун дунёга тарқатиб юрадилар, мақсадлари бойлик, мол-дунё орғитириш. Гиёҳвандлар сони қанча кўпайса, уларнинг даромадлари шунчалик ортиб бораверади. Аҳолининг бу касалик хусусидаги билимсизлиги уларнинг тегирмонига сув қуймоқда. Гиёҳ ташувчиларнинг бошқалар билан иши йўқ. «Энг муҳими — чегарадан бир марта наркотик олиб ўтман-да, ўз ҳақини олиб, роҳат-фароғатда яшаб юраверман», деб ўйлашади.

Сирдарёлик Бахтиёр Худойкулов ҳам ана шундай роҳатни орзу қилган кўринади. Шу мақсадда Тожикистоннинг Зафаробод туманида бўлиб, қандайдир Саид исмли шахсдан 525 грамм миқдордаги героинни сотиб олади. Шундан сўнг Бахтиёр божхона назоратини четлаб ўтиб, «захри қотил»ни аввал Гулистон шаҳрига, сўнгра Олмалик шаҳрига сотиш учун олиб боради. У ерда героинга харидор топиб, савдони пиштириб қайтади. Ўзаро келишувга кўра, мол айирбошлаш Гулистон шаҳрида амалга ошири-

лиси, Бахтиёрнинг қарамоғида ногирон, ота-онаси бор. Шунча йил эмай едириб, ичмай ичириб, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, қаринганимизда суняч бўлади, дея умидвор бўлган ота-онанинг эндиги аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас.

Тергов ва суд амалиёти гиёҳвандлик воситалари наркокурьерлар томонидан Афғонистондан Тожикистонга, сўнг республикамиз ҳудудидан транзит ҳолда Россия ва бошқа Европа давлатларига олиб ўтилаётганини тасдиқлайди.

Чорак аср давом этган уруш Афғонистондаги нормал ҳаётни издан чиқарди. Иқтисодий танглик аҳолининг кўпчилиги қисмини наркотик моддалар етиштириш билан шуғулланишга мажбур этмоқда. Шу боис, Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштириш кимларгадир тирриклик манбаи, баъзилар учун эса наркобизнес ва террор манбаси бўлиб қолган эди. Маълумотларга кўра, Афғонистонда 1999 йилда 4000 тоннадан зиёд опий етиштирилиб, ундан 1000 тонна героин ишлаб чиқарилган. Бу миқдор Европада сотилаётган наркотик моддаларнинг тахминан 75 фоизини ташкил қилади.

Афсуски, мамлакатимиз ҳудуди ҳам гиёҳвандлик воситаларини яширин кириб келиши давом этмоқда.


Асли тожикистонлик бўлган, Душанбе шаҳрида яшовчи А. Сафаров ҳам ҳеч қаерда иш-

ламайди. Аввало, унинг оиласи, 4 нафар фарзанди бўла туриб, бирор ишининг бошидан тутмай юрганга ҳайрон қолсан киши. Аммо биз ўйлаганчалик эмас экан. Унинг «наркокурьер» вазифасида анчадан буён «сидқидилдан» хизмат қилиб келаётгани аён бўлиб қолди.

«Душанбе-Москва» йўналиши бўйича қатновчи поезд Қашқадарё вилоятдаги божхона постида текширилганида, Сафаровнинг фаолиятига нуқта қўйилди. Устамон бўлиб кетган А. Сафаров 1843 грамм героинни 140 та целлофан шарҳларга жойлаб, ютиб қўя қолган экан. Суриштирувлар натижасида ушбу гиёҳванд моддани А. Сафа-

ров Душанбе шаҳридаги бозорлардан бирида афғон миллатига мансуб кишидан 400 АҚШ долларига сотиб олганлиги маълум бўлди.

Кези келганда, гиёҳванд ким ўзи, гиёҳвандликнинг давоси борми, унинг олдини олиш учун нималар қилиш зарур, каби саволларга бир



оз тўхталиб ўтсак.

Тилимизда «наркоман» деганда кайф қилиш учун кўнор моддалари истеъмол қиладиган одам тушунилади. Тиббиётда эса «наркоман» (гиёҳванд) сўзи ишлатилмайди. Бу ўз-ўзидан маълум. Негаки, одам қандай касалликка чалинмасин, врач наздида у ёрдамга, диққат-этибор ва парварлишга муҳтож бемор, холос. Врач хасталик сабабли бемор чекаётган изтироб ҳамда у дуч келган муаммоларни тушуниши ва ҳал қилиши даркор. Врачлар бемор устидан ҳукм чиқармайдилар, балки фақат ташхис қўядилар: ичкиликка муте бўлиб қолган бемор — алкоголизмга мубтало бўлган бемор, наркотик моддага ўрганиб қолгани эса наркоманияга йўлиққан бемордир.

Гиёҳванднинг ҳаёти жуда оғир, уқубатли, нурсиз. У иши ўнгидан келмайдиган, турмушда ўз ўрнини топа олмаган жиноятчилар тўдасига кириб қолади. Бундай муҳитда инсон қадри, бир-бирига хайри-хоҳлик қилиш, биродарлик, хурмат-иззат ва ўзаро ёрдам тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас! Одам наркотиклар ёки уларни сотиб олиш учун пул бўлгандагина, бунга даъво қила олади. Шунинг учун у ўзини муттасил хавф-хатарга солади, ўғирлик, фирибгарлик қилади, наркотик бўлмаган чоғда бошланадиган азоб-ўқубатлардан қутулиш учун қариндошларидан пул сўрайди, ҳатто қотилликка қўл уради.

Маълумотларга қараганда, агар гиёҳванд игнага ўтиб, наркотик моддани томир орқали истеъмол

қилса, узоғи билан 5-10 йилгача яшаши мумкин экан. Аммо бу мuddатнинг ҳам аксарият қисми — 90 фоизини улар касал бўлиб ярим-жонлик билан ўтказадилар, яқин қариндошлари, дўстларини йўқотадилар. Бироқ бу мuddат оғуни сотиб олиш учун доимо ҳамёнида пули бор, уларни оз-оздан қабул қиладиган, вақтида даволаниб турадиган, саломатлиги ҳаёт учун хавф соладиган даражага етиб борми деган саволларга қандай қараш экан? Оналик, аёллик шайинга доғ тушираётган бундай кимсалар яна орамизда қанча? Уларни бу йўлдан қайтариш учун нималар қилишимиз керак?

Кейинги

пайтда пайдо бўлган крэк, экстазм номи берилган ва бошқа бир талай сунъий наркотик препаратлар ёки илгаридан маълум бўлган гиёҳванд моддалари эса ҳаёт ришталарини улар билан илк «танишув»дан 7-8 ой ўтиши билан узиб қўя қолар экан. Шундай экан, бу ажал уруғини таг-томири билан сугуриб ташлаш, фарзандларимизда бу оғуға нисбатан нафрат туйғусини уйғотиш хар биримизнинг ота-оналик



бурчимиз эканлигини бир лаҳза ҳам ҳаёдан фаромуш этишга ҳаққимиз йўқ.

Шарқда азал-азалдан аёл мўтабар зот сифатида улуглаб келинган. Шарқ аёлларини ўзига хос ҳаёси, ибоси, садоқати билан дунё аҳлига кўз-кўз қилсак арзийди.

Аммо енгил-елли пул топиш илнжиди турли йўлларга кириб кетаётган аёллар ҳақида эшитилганда дил оғрийди. Нима бўлгандаям аёл - бу она-ку, ахир. Унинг сеҳрга тўла алласи билан фарзанд юрагига меҳр, мурувват жойланади. Бир оғиз ширин каломи аросат кўчасида қолган, бошини қай тошга уриш-

ни билмай юрган фарзанд дилида эртанги кунга ишонч, умид учкунларини уйғотади. Баъзан кўнглини гам эгаллаганида онасининг меҳр тўла бағридан паноҳ излайди фарзанд. Аммо, нега ана шундай буюклика эга бўлган аёлларимиз бугун бундай муҳиш йўлларга кириб кетишмоқда? Улар уларни сотаётган оғу бош-қа бир она фарзанднинг умрига зомин бўлишини ҳеч ўйлаб кўришармикан? Бу балонинг касри бир кун келиб ўз фарзандига ҳам уришини ҳаёлига келтирармикан?

Самарқанд вилояти судининг фуқаролар Г. Йўлдашева ҳамда О. Рустамоваларнинг қилмиши юзасидан чиқарган ҳукми кишини оғир ўйга толдиради.

Тожикистон Республикасининг Нов туманида яшовчи Г. Йўлдашева ва жиззахлик О. Рустамовалар ўзаро тил бириктириб, салкам 8 килограмм героинни Ўзбекистон божхона чегараси орқали Россиянинг Свердловск шаҳрига олиб ўтишни орзу қилишган эди. Бироқ уларнинг бу орзулари божхоначиларимизнинг ҳаракатлари натижасида саробга айланди. Бу икки аёлнинг устамонлигини шундан ҳам билса бўладики, героинни улар манти қозоннинг тағидаги қўшимча қўлбола қоплама ичига жойлаштиришган.

Суд ҳар икки аёлга нисбатан тегишли жазо тайинлади. Аммо... ҳаёлда яна баяги саволлар чарх ураверади. Ахир иккала аёлнинг ҳам 4 нафардан вояга етмаган фарзандлари бор эди. Жазо мuddатини-ку бир кун ўтаб қайтишар, аммо ана ўшанда бу норасидаларнинг кўзларига қандай қараш экан? Оналик, аёллик шайинга доғ тушираётган бундай кимсалар яна орамизда қанча? Уларни бу йўлдан қайтариш учун нималар қилишимиз керак?

БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш халқаро қўмитаси бундан уч йил аввал, аниқроғи 1999 йилдаёқ Марказий Осиё мамлакатларида гиёҳвандлик ўсим бораётганлигини маълум қилган эди. Ушбу муаммо билан бир қаторда ОИТС ва бошқа бир қатор юқумли касалликларнинг кўпайиш хавфи ҳам мавжуд. Булар эса, ўз навбатида ушбу минтақадаги халқлар генотипига хавф туғдирмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир киши ўз тақдирига масъул бўлмоғи даркор. Ушбу гап оддийгина, оддий, ҳатто зерикарли туюлиши мумкин-дир, аммо ўз тақдирини ҳақиқатан ҳам ўзгартиришга ҳаракат қилган одам бунинг учун чинакам ирода талаб

этилишини билади. Қолаверса, XXI аср оғусти бўлмиш гиёҳвандликка қарши курашиш хар биримизнинг бурчимиз. Айниқса, мамлакатимизда соғлом авлод, буюк келажак учун катта аҳамият берилётган айна кунларда бу кураш, ёшларни гиёҳвандлик балосидан қутқариш, асраш янада долзарб масалага айланиши зарур.

Юсуф МУСАЕВ,  
Республика Бош  
прокуратурасининг  
бошқарма прокурори,  
Жаҳонгир ШАРОФБОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири



ладиган бўлди.

Бахтиёр мўмай даромад орзу-сида ўзича нималарни режа қилмади дейсиз. Бироқ унинг режаларига вилоят ИИБ ходимлари чек қўйишди, у кўп миқдордаги героинни 4000 АҚШ долларига сотаётган пайтда кўлга олинди.

Ўрни келганда Бахтиёр Худойкуловнинг таржимаи ҳолига бир назар ташласак: У 1972 йилда туғилган. Муқаддам икки марта судланган. Биринчи мартасида амнистия акти билан жазодан озод қилинган. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганга қадар Сирдарё ёшлар спорт мактабида мураббий бўлиб ишлаб келган. Энг ачинар-





# ДОНОЛАР ДЕМИШКИ...

Умри зое этма, меҳнат қил,  
Меҳнат саодатинг калиди бил.

\*\*\*

Ҳар кимсаки, айламас  
ошуқмоқни хаёл,  
Япроқни ифак қилур,  
чекак баргини бол.

Алишер НАВОЙИ

\*\*\*

Иқтидоринг етмаган ишни қилма,  
Сабабсиз ўзингни допишманд билма.

Носир ХИСРАВ

\*\*\*

Бекорчилик ва айш-шират нафақат  
подонликка олиб қелади, айни  
вақтда касалликнинг туғилишига  
ҳам сабаб бўлади.

ИБН СИНО

\*\*\*

Оғир меҳнатларни ўз ихтиёринг  
билан қилишга кўниксанг, мажбу-  
ран юқлатиладиган меҳнатларни  
амалга оширишда зигирчалик  
қийналмайсан.

ИСОКРАТ,  
кадимги грек ёзувчиси

\*\*\*

Меҳнат нафақат вужудга, балки  
қалбга ҳам озуқа беради, унда  
турли қабохатларга жой қолдир-  
майди.

Ретиф дела БРЕНТОН,  
француз ёзувчиси

\*\*\*

Ишлаш керак, бетиним ишлаш,  
излаш керак. Акс ҳолда тирик  
бўсанг-да, вужудингни могор  
босиб қолади.

Герхард ГАУПТМАН,  
немис драматурги

\*\*\*

Ҳар қандай оғир ва тинкани  
қуртувчи меҳнат ҳам муҳаббат  
шарофатидан нафақат енгил,  
балки, ёқимли ҳам бўлиб туюлиши  
мумкин.

Жордано БРУНО,  
итальян файласуфи

### КРОССВОРД

**ЭНИГА:** 1. Сурхондарё вилоятидаги туман. 7. «Тоғмаҳал»ни қурдирган бобурийлар сулоласи вакили. 8. Ишониб бўлмайдиган. 10. Ердам, мадад. 11. Тухмат. 12. Сўз мулкани бойитган иходжор исми. 15. Миннат қилиш. 17. Етти ранг мўжизаси. 18. «Шайтанат»даги образ. 20. Тинчлик тимсоли бўлган қўш. 21. Қариндош, дўст, қадрдон. 25. Қадимги транспорт воситаси. 26. Навоий вилоятидаги туман. 27. Айлана ёки чолгу асбоби. 30. Танча. 31. Қўшин, армия. 32. Робита, боғланиш. 34. Амир Темур оёғини даволаган тошкентлик машҳур табиб. 35. Ёмғир ёққанда кийиладиган кийим. 36. Алдов.

**БЎЙИГА:** 1. Содда, оддий. 2. Хорун ар... 3. Таом номи. 4. Тожикистондаги вилоятлардан бири. 5. Жанубий Африкадаги давлат. 6. «Битта ўзим билан» шеърий сатри муаллифи. 9. Одиллик, ҳақгўйлик. 13. «...лар одамлардан меҳрибон». 14. Мамлакатимиздаги вилоят. 15. Офис. 16. Япониядаги шаҳар номи. 18. Доғ, обрўга пугур етиши. 19. Сокин, тинч. 22. Олий лига футбол жамоаси. 23. «Қора Ҳомид»нинг фамилияси. 24. Қизлар исми. 28. Чолгу асбоби. 29. Африкадаги давлат. 32. Эртақ-кинодаги қаҳрамон қиз исми. 33. Уруғ...

Тузувчи: Жаҳонгир ТЎЛАГАНОВ,  
талаба

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 6. Ифбат. 8. Мариана. 9. Класс. 11. Рок. 13. Ибо. 14. Даққа. 15. Асл. 16. Акс. 17. Номзод. 18. Агама. 20. Радар. 21. Соққа. 23. Акт. 24. Амр. 25. Душвор. 28. Авария. 33. Мадраса. 35. Лимонад. 37. Монтер. 38. Онофот. 39. Ватикан. 42. Саботат. 44. Доғул. 46. Аросат. 48. Сас. 50. Миф. 51. Тоқча. 54. Увада. 56. Канал. 59. Саркор. 60. Ила. 61. ООН. 62. Сувайш. 63. Асл. 64. Афг. 65. Тромб. 66. Таиланд. 67. Ахрик.  
Бўйига: 1. Африка. 2. Паспорт. 3. Дилшод. 4. Ондатра. 5. Чақмоқ. 6. Ихара. 7. Трава. 9. Кокус. 10. Смола. 12. Каптар. 13. Исфара. 19. Гид. 22. Коя. 26. Уюр. 27. Она. 29. Вал. 30. Исо. 31. Кафолат. 32. Камалак. 34. Сирға. 36. Ибора. 40. Имо. 41. Нил. 42. Сор. 43. Ота. 44. Дуо. 45. Исроил. 46. Афшона. 47. Теа. 49. Сумалак. 50. Мадонна. 51. Тракт. 52. Акраб. 55. Ампула. 56. Каста. 57. Невара. 58. Лойик.

## Моҳият

Дунё манфаатдир (яъни дунёдаги ҳар бир нарсанинг бир нафи бордир) ва дунёнинг энг яхши манфаати (неъматини) яхшилик қиладиган ва солиҳа аёлдир.

(Жадисдан)



Умрларинг узун бўлсин,  
қизларим.  
М. НУРИНБОВ олган сурат

Икки балиқчи сўхбатлашиб қолишди.  
— Яқинда мен мана шу кичкина қармоқча билан уч килолик лаққа балиқ тутдим, — деб мақтанди улардан бири.  
Иккинчиси ҳам ундан қолишмади.  
— Мен ҳам шунақа қармоқча билан яқинда битта балиқ тутгандим, — деди у, — буни қарангки, унинг сурати уч кило чқиди-я.

\*\*\*

Машҳур ҳайкалтарошдан сўрадилар:  
— Айтинг-чи, мрамтарошдан одамнинг ҳайкалини ясаш осонми, қийинми?  
— Бунинг қийин жойи йўқ, — деди у, — аввал мрамтарошни ишхонага олиб кирасиз, сўнгра унинг одам гавдасига ўхшамаган жойларини йўниб ташлайсиз, вассалом.

\*\*\*

Профессор талабадан сўради:  
— Ўн тўққизинчи аср романлари билан ҳозирги романлар орасида қандай фарқ бор?

гингиллаш йўлбошчи филнинг ҳам жонига теғди шекилли, хартуми билан бояғи филни туртди:  
— Хой, қанақа филсан ўзи? Гингиллавериб жонга теғиб кетдинг-ку.  
— Мен... мен... пашшадан ясалган филман-да.

\*\*\*

— Банк ўгриси билан футбол юлдузи орасида қандай фарқ бор?  
— Банк ўгриси «пулни чўзинг, бўлмаса хужумга ўтаман», деб қичкиради. Футбол юлдузи бўлса «пулни чўзинг, акс ҳолда хужумга ўтмайман», деб бақиради.

\*\*\*

Меҳмонхона эгаси сайёҳдан сўради:  
— Ҳўш, сенга қанақа хона керак?  
— Банга хона эмас, хўжайин, узун коридор керак.  
— Вой, нима, коридорда ухламоқчимисиз?  
— Ухлаш қаерда, юриб чиқаман. Мен ойпарастман.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДА таржимаси

### ● ДУНЁ ҚИЗИҚ

## «БРОНЗА» ВЕНЕЦИЯ

Афсонавий Помпейдан ўн чақиримча шимоли-шарқда, Пожмарини деган жойда археологлар қадимий турар-жой қолдиқларини қовлаб топилди. Археологлар ўзлари топган бу «хазина»ни «Бронза асри Венецияси» деб атай бошладилар.

«Венеция»га бундан икки йил олдин трубопроводчилар тасодифан «асос» солишган эди. Шундан кейин бошланиб кетган қазилма ишлари жуда самарали бўлди: қурол-проглар қолдиқлари, кема бўлақлари ва бошқа турли буюмлар топилган. Шуниси диққатга сазоворки, топилма буюмлар неҳоятда нафис безалган ва маҳорат билан ишланган.

### Т УРФА ОЛАМ УРФА ОДАМЛАР

Шведларнинг Electrolux компанияси мутахассислари жаҳонда биринчи марта гапирадиган кир ювиш машинасини ихтиро қилишди. Electrolux Kelvinator деб номланувчи ушбу моделни илк бор лугатида 90 дан зиёд инглизча ва ҳиндча сўзлари билан гўзал Ҳиндистонда ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Ҳиндистоннинг мафтункор охишаларининг беминнат дастёри ёқимли овозда, масалан, «қопқоқни ёпинг» ёки «хотиржам бўлинг» каби сўзларни айтиши мумкин экан. Хуллас, бу машина уй бекаларини қўл меҳнатидан халос қилиш билан бирга, уларни зериктириб қўймайди. Тўғриси, компания иш олиб бораётган бошқа тур машиналар лойиҳаси олдида Kelvinator унчалик ҳайратланарли эмас. Гап шундаки, Electrolux ҳозирда гапирувчи музлатгич, гапирувчи электроплиталар ихтироси устида иш олиб бормоқда. Гапирувчи музлатгич маҳсулотларнинг муддатини эслатиб тура, электроплиталар ўзининг электрон «бурунлари» ёрдамида таом тайёр бўлиш муддати-ю, овқат пишганини аниқлаб, уй бекасини огоҳлантириб туради.

\*\*\*

Британиялик профессор ҳали одамзод жазм қилмаган йўлни тутди. У биз фақатгина фантастик киноларда кўрганимиз киборг (кибернетик организм)га айланди-қўйди. Унинг асаб тизимига электрон чипни бириктириш операцияси нақд 714575 долларга тушди. Жарроҳлар электрон микро-чипни унинг ўнг қўли асаб тўқимасига ўрнатишгач, профессорни бемалол роботодам дейиш мумкин эди. Энди унинг асаб тизими компьютер орқали бошқарилади, жаноб Киборгнинг қўл ҳаракати эса ахборот етказиш вазифасини бажаради. Ридинг университети олимлари ўз ҳамкасблари устида бошқа хил тажрибалар ўтказишни ҳам режалаштиришмоқда. Масалан, унинг асаб тизимига сунъий йўл билан ёлгон таъсир кўрсатиш орқали ундаги ҳаяжон ва газаб тўғуларини ўрганишга ҳаракат қилинмоқда. Киборг-профессорнинг айтишича, у ўзида олтинчи тўғу уйғонишидан умидвор. Шунда у кўзи юмүк ҳолатда ҳам кўра олиши мумкин бўлар экан.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Бектемир тумани прокурорининг ўринбосари Бобур Лутфуллаевга акаси Алишер ЛУТФУЛЛАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чқур ҳамдардлик ихзор этади